Ушбу сонда:

2 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!

3 ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
Унга қаерда қандай амал қилиняпти?

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 22 сентябр, шанба №150 (1164)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъатининг ролини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақоми берилсин ва у «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб аталсин.

2. Қуйидагилар Ўзбек Миллий академик драма театрининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- буюк маънавий меросимиз, бетакрор қадриятларимиз, ўзбек миллий театри анъаналарини изчил давом эттириш, уларни янги давр талаблари асосида бойитиб бориш ва ривожлантириш, бу соҳадаги илғор услубларни миллий руҳ билан уйғунлаштирган ҳолда театр санъатига татбиқ этиш;

- миллий истиқлол ғояларига ҳамоҳанг, бадиий жиҳатдан юксак, халқчил саҳна асарлари яратиш асосида ўзбек миллий театр санъати тараққиётига ҳисса қўшиш;

- халқимиз, аввало ёшларимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат, гуманизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

- истеъдодли санъаткорлар, ёш актёрлар, драматург ва режиссёрлар, саҳна санъати мутахассисларининг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун ўзига хос ижодий мактаб бўлиб хизмат қилиш;

- мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш, жаҳоннинг илғор ва нуфузли театрлари билан ижодий мулоқот ва амалий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, халқаро фестивалларда ўзбек театри ютуқларини муносиб равишда намойиш этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбек Миллий академик драма театрининг Низомини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бир ой муддатда Ўзбек Миллий академик драма театри ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 21 сентябр

Маъмурият ва касабақўм ҳамкорлиги

ОЛТИН КУЗ ҚУВОНЧЛАРИ

... Йиғилиш тугагач хўжалик раҳбари касаба уюшма қўмитаси раисини олиб қолди.

— Ёнингизга икки нафар фаолни олиб дала шийпонларини яна бир айланиб чиқсангиз. Ҳамма айтилган нарсалар етказилганми, ҳеч бир камчилик йўқми, кўрсангиз, — деди Ўткир Норчаев. — Йиғим-терим айни қизиган паллада ҳеч нарсадан узилиш бўлмаслиги керак.

Алибек Тоғаев раҳбар хонасидан чиқиб ҳамроҳлари билан тўғри далага йўл олди. Зарур, деб топилган жойларга қўшимча самовар, қозон, ўчоқлар келтирилди. Охирги ўн кунликда ғолиб деб топилганларнинг даласига бориб мукофотлар топширилди...

Мана, йигирма кундирки, Холмат Норчаев номидаги деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси пахтазорларида ҳам оқ олтинни саранжомлаб олиш авжида.

Мавсум иштирокчиларига ҳамма шароит яратилган.Механизатор ва таъмирчилар учун икки маҳал иссиқ овқат тайёрланаяпти. Терилган пахтага тўланадиган ҳақ даланинг ўзида тарқатиляпти. Бир беш кунликда 10 минг сўмгача пул олаётган теримчилар оз эмас. Машраб Шерматов, Эркин Абдуллаев бошлиқ оилавий пудратчилар маррага етдилар.

От ўрнини той босар, дейдилар. Раиснинг отаси раҳматли Холмат Норчаев Меҳнатободга биринчи бўлиб кўчиб келганлардан эди.Бийдай чўлни обод қилишда шижоат кўрсатди. Чўлга унинг ортидан келганлар уй-жой қилиб шу ерлик бўлиб қолишди. Мустақиллик йилларида яратилган имкониятлардан фойдаланиб уларнинг кўпчилиги фермер ва мулкдор бўлди. Падари бузрукворининг пешона тери тушган заминда, машаққатли меҳнатлари эвазига барпо этилган хўжаликда раҳбарлик қилаётган ўғил эса ишончни оқлашга астойдил интилмоқда.

Бунга мисол тариқасида бу йилги кўрсаткичларни келтириш мумкин. Давлатга ғалла топшириш режаси оширилиб бажарилди. Бирлашма ихтиёрида қолган дондан 147 тоннаси ишловчиларга тарқатилди. Даромад ҳисобидан 450 минг сўмга мактаб таъмирланди, ўндан зиёд оила фарзандлари ўқув қуроллари билан таъминланди.

— Мустақиллигимизнинг 10 йиллик қутлуғ айёмини биз ҳам кенг нишонладик, — дейди бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси Алибек Тоғаев. — Байрам муносабати билан 30 та кам таъминланган, серфарзанд оилалар, ёлғиз яшовчиларга моддий ёрдам, совға-салом, ғалла бердик. Юқори кўрсаткичларга эришган илғор ғаллакорларга гилам, рангли телевизор ва пул мукофотлари топширдик.

Кези келганда қишлоқни обод қилиб, юртда маъмурчилик яратишга муносиб ҳиссасини қўшаётган фермерлар хусусида ҳам тўхталиш жоиз. «Аҳмадхўжаев», «Феруз» фермер хўжаликлари ғалла етиштиришда нафақат туманда, вилоятда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Пахтачиликдан ҳам қувончли натижалар кутиляпти.

Шу куни қатор шийпонларни бориб кўрдик. Ҳақиқатдан ҳам ҳамма шароит муҳайё этилган. Тушликка келган пахтакорлар таомдан сўнг ҳордиқ чиқаришди-да яхши кайфият билан яна иш жойларига қайта бошладилар. Шунда олдимиздан ўтиб кетаётган икки пудратчининг ўзаро суҳбати қулоғимизга чалинди:

—Тўйни ҳам ўтказиб олдим. Бу ёғига ҳам баракасини берса, пахтанинг пулига машина оламан, деб турибман...

Р.БОБОМУҲАМЕДОВ, «Ишонч» мухбири.

ЎҚИШ УЧУН ПОЛЬШАГА

Польша Республикаси ҳукумати дастурига мувофиқ етти нафар ўзбекистонлик талаба бу мамлакатга ўқиш учун жўнаб кетади. Улар Польшанинг энг яхши университетларида беш йил давомида таҳсил олади.

Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Ян Сорокининг сўзларига қараганда, ўзбекистонлик талабалар ўртасида филология, иқтисодиёт, физика-математика, тарих, педагогика факултетлари ва туризм факултетига қизиқиш кучли.

Шунингдек, у ҳар талабани ўқитиш учун Польша хазинасидан йилига ўртача 5000 АҚШ долларига тенг маблағ ажратилишини маълум қилди. Дастур биринчи навбатда этник поляклларга мўлжалланган бўлса-да, грантлар бошқа миллатлар вакилларига ҳам берилмоқда.

Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги маданий алоқалар фақат талабалар учун мўлжалланган дастурлар билан чекланмаган. Самарқанд ва Тошкентдаги олий ўқув юртларида польшалик ўқитувчилар поляк тилини ўқитмоқда.

Икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда Тошкентда жойлашган «Светлица» ва «Полонья», шунингдек яқинда Самарқандда очилган «Полонез» поляк маданият марказлари фаол иштирок этмоқда.

В.МАРКОВ, (ЎзА).

Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи қошида янги тармоқ — Альфа целлюлоза ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. У йилига 30 минг тонна целлюлоза тайёрлаш имкониятига эга.

Маҳаллий хомашё — линтдан тайёрланувчи альфа целлюлоза нафақат кимё саноатида, балки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ундан қоғоз ишлаб чиқариш, доришунослик, турли косметика, пластмасса, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Цехда замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Янги технологияни ишга туширишда Германиянинг «Унион маттекс» ва «Йоззеф Майснер» фирмалари мутахассислари ёрдам бермоқда. Айни кунда бу ерда 200 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Суратларда: сифат лабораторияси ишчиси Муҳайё Исроилова; альфа целлюлоза ишлаб чиқариш цехининг марказий бошқариш пункти.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЗАРШУНОСЛАР ҲУЗУРИДА

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан иборат тарғибот-ташвикот гуруҳи Косон туманида пахта тераётган ҳашарчилар ҳузурида бўлишди.

Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти муҳандислик техника факультети талабалари жойлашган дала шийпони ишдан кейин гавжумлашди.

Оромгоҳга ташриф буюрган вилоят прокуратураси масъул ходимлари «Ёшлар ва қонун» мавзуида мулоқот ўтказдилар. Улар Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган ҳужжатлар хусусида ёшларга сўзлаб бердилар.

Мулоқот охирида гуруҳ таркибидаги «Ўзбекракс» бирлашмасининг вилоят бўлими санъаткорлари томонидан намойиш этилган концерт дастури ҳашарчиларда яхши таассурот қолдирди.

ЁЛҚИН.



ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

Сирдарё вилоятида қандай ҳал этилмоқда?

Бозор талаби қатъий. Янгича шароитда ишлашга тайёр бўлмаган, замонавий технология жорий этилмаган, кадрлари омилкор, ташаббускор бўлмаган корхоналар, муассасалар синади, яъни инқирозга юз тутади. Бу табиийки, ишсизлар сонининг кўпайишига олиб келади. Бозор шароитида бу кутилган ҳол.

Ёки яна шундай манзара кўзга ташланади: қатор корхоналарда муайян иш ўринлари ойлаб бўш қолаётган бир пайтда, шу ҳудуддаги ўнлаб одамлар иш ахтариб, овора бўлишарди. Ниҳоят, изланишлар, ҳамжиҳатлик туфайли корхона, ташкилотларга яхши ходим, иш ахтарувчига эса муносиб ўрин тавсия этиш имкони топилди. Мақсадга эришишда меҳнат бўлими ва прокуратура идоралари ҳамкорлигида ташкил этилаётган меҳнат бозорларининг самараси катта бўлмоқда.

Тўғри, бандлик дастури асосида илгарилари ҳам «Меҳнат ярмаркалари» уюштириб келинган. Аммо бу йил мазкур тадбирни ҳудудлар, туманлараро ўтказилиши кутилган самарани бермоқда. Кўплаб одамлар муқим ишли бўлмоқда.

— Меҳнат ярмаркаларига хусусий, қўшма ва кичик корхоналарни ҳам жалб этганмиз. Иш ахтарувчиларга ҳудудлари туташ, қатнаб ишлашга имкон берувчи қўшни туман ва шаҳарлардаги бўш иш ўринлари тавсия этилмоқда, - дейди вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қўчқор Ҳасанов. - Шу ўринда бир мисол келтириб ўтсак. Гулистон, Мирзаобод туманлари ҳамда Гулистон шаҳри ҳамкорлигида ўтказилган меҳнат бозори шарофати билан ўнлаб саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида туманларда яшовчи фуқароларнинг бемалол ишлаши учун тўла имконият яратилди. Ваҳоланки, улар ўз мутахассислиги бўйича қаерга жойлашишни билмай юришганди. Кичик ва хусусий корхоналар эса 10 мингдан ортиқ кишини муқим иш билан таъминлаб келмоқда.

Албатта, бу билан муаммо бартараф этилди, деб айтиш нотўғри бўлур эди. Зеро, ҳали ишсизлик мақомини олганлар, иш ахтарувчилар сони вилоят бўйича анчагина бор. Саъй-ҳаракат изчил давом этмоқда. Қувончлиси шуки, меҳнат бозорларини ташкил этишда ўзига хос анъаналар шаклланмоқда. Яқинда Ширин шаҳрида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган Деҳқон бозори ҳудуди байрамона безатилди. Эрта тонгданоқ мусиқа садолари янгради. Бу ерга таклиф этилган 24 дан ортиқ корхона, ташкилот, хусусий ишлаб чиқариш фирмалари ўз фаолияти, ишлаб чиқариш қуввати, молиявий ҳолати, ҳамкорлари ҳақида тўла тушунча берувчи кўргазма ташкил этдилар. Ҳар бир корхонада тайёрланаётган маҳсулот намуналари ҳам тавсия этилди. Иш ахтарувчи ўз қобилияти, имкониятига яраша ўрин танлаши учун барча имконият мавжуд эди. Натижада шу куни 30 нафар киши турли мутахассислик бўйича ишга жойлашди.

— Ўтган етти ойда 545 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилганди, - дейди ярмарка ташкилотчиларидан бири, Ховос туман меҳнат бўлими бошлиғи А.Мўминов. - Уларнинг 288 нафари ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилди. 55 нафар киши шартнома асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди. 36 киши янги мутахассисликка ўқитилди, 116 фуқарога эса ишсизлик нафақаси тайинланди.

Вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркалари нима қилишни билмай юрган тадбиркорларга ҳам қўл келяпти.

— Узоқ вақт иш ахтардим. Натижаси бўлмагач, меҳнат бозорида омадимни синаб кўришга жазм қилдим, - дейди Мирзаободлик Иброҳим Соипов. - Омадим юришиб, шаҳардаги «Лола» ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилишга рози бўлди. Корхона қошида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасини очдик. Мана, беш ойдирки, муваффақиятли фаолият юритяпмиз. Хизматимиздан аҳоли мамнун.

Хайрли ишнинг самарали бўлишида меҳнат бошқармаси томонидан модий рағбатлантириш йўлга қўйилганлиги ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Ўтган қисқа вақт ичида ўндан ортиқ ташкилот совринни қўлга киритди. Энг муҳими, шу тариқа ишсизлик муаммоси аста-секин ҳал этиб борилмоқда.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

СУРХОН ПОЛВОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида 28-29 сентябр кунлари Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича анъанавий 5-Халқаро турнир бўлиб ўтади. Ушбу турнирда республикамиз полвонлари билан бирга жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан спортчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Халқаро турнир икки кун давом этади. Дастлабки куни полвонлар тўрт вазн тоифасида гиламга чиқади. Иккинчи куни оғир вазндаги полвонлар мусобақалашади. Турнирнинг мутлоқ ғолибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совриниг - «Нексия» автомашинаси топширилади.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

Аввал ВАТАН, кейин-жон!

2-даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби

Ўшанда Олим 17 ёшли ўспирин эди. Ота-онасининг оқ фотиҳасини олгач Россиянинг Сизран шаҳридаги учувчилар тайёрловчи олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирди.

Бу воқеа Андижоннинг Бўзида дув-дув гапга сабаб бўлди. «Ўқитувчилик қиладиган Имин ака бор-у, ўшанинг ўғли ҳарбий билим юртига кирибди. Яна қанақаси денг — учувчилик».

Ўзбек ўғлони 1988 йилда билим юртини тугаллаб, Оддесада учувчи-оператор вазифасида хизматни бошлади. МИ-24 вертолётини моҳирона бошқарди. Уни ердан кузатиб турган хизматдошлари Олимга ҳавас қилишарди. Улар: «Олимнинг армони йўқ, само кенгликларини забт этиб юрибди, деб ўйлашарди. Аммо... Бу армон унинг юрагида билим юртига кирмасданоқ пайдо бўлганди: «Юртим осмонида парвоз қилиб, унинг мусаффолигини таъмин этсам. Миллатим, юртим хизматига камарбаста бўлсам».

Қалб тўридаги бу армонга истиқлол малҳам бўлди. Ватанимиз мустақилликка эришгач, Олим Эрматов биринчилар қаторида ўз юртига қайтиб, хизматни давом эттирди.

У 1998 йилга қадар тажрибали учувчи сифатида тарбиявий ишларга бош-қош бўлди. Яъни, эскадрилья командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилди. Ҳозирда подполковник дуоси асрайди, - дейди унинг хизматдоши майор М.Хусенов.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, О.Эрматов то шу кунга қадар 150 та жанговар парвозни муваффақиятли амалга оширган.

Унинг Ватанимиз само сарҳадларини қўриқлашдаги хизматлари муносиб тақдирланди: Олим Эрматов кўксини 2-даражали «Шон-шараф» ордени безади.

Онаизорнинг хурсандчилигини таърифлашга сўз ожиз. Унинг юрагида фақатгина бир армон: «Қанийди бу кунларни отаси ҳам кўрганида, боши осмонга етарди».

— Эрматов биринчи тоифали учувчиларимиздан. Ўз касбининг фидойиси. Ёш офицерларга ҳар томонлама чуқур билим беришга ҳаракат қилади. Ўтган ўқув йилида қисмимиз мусобақа ғолиби бўлди, — дейди қисм командири подполковник Жуманазар Жалилов.

Бунда само шунқори Олим Эрматовнинг муносиб ҳиссаси бор.

... Жанговар вертолёт парвозга кўтарилди. Ўқув машғулоти давом этмоқда. Само сарҳадларида парвоз этаётган подполковникка омад ёр бўлсин!

А. САФАРОВ, капитан.

САМО ШУНҚОРИ

О.Эрматов вертолётчилар гуруҳининг командири.

СОҒИНЧ

Оққол ая ўғли Элмуроджонни бағрига босди. Она-да, дарҳол кўзлари ёшланди. Элмурод қувончга ҳам, ташвишга ҳам кўзёш қиладиган ойисини тушунарди. Чунки ўзининг-да юраги кўксига сиғмаётганди.

Аскар волидасини қисмга келадиган ота-оналар учун мўлжалланган хонага бошлади. Она нигоҳлари фарзандидан узилмасди: «Бўйи бироз чўзилибди, тўлишибди ҳам. Ҳарбий либоснинг ярашганини қаранг. Узоқ бир қўшнимизнинг ўғли таътилга келганида эгнидаги либосига бирам ҳавас қилгандим. Мана ўзимнинг Элмуроджоним ҳам ҳарбий кийимда суқсурдек кўринаркан», ўйларди у.

Қуролли Кучлар ҳаётидан сўзловчи турли сурат лавҳалар, рангли плакатлар билан безатилган хонага кирар экан, она анграйиб қолди. Буни сезган ўғил — оддий аскар Э.Турдиев изоҳ берган бўлди:

— Булар армиямизнинг жанговар ҳаётидан сўзловчи айрим суратли лавҳалар. Хизматга келгач, армиямизнинг ҳақиқий куч-қудратини, нималарга қодирлигини ҳис қилдим. Яқинда дала-ўқув машғулотларида бўлиб қайтдик. Кўрсаткичлар ёмон эмас. Сўзлайверсам гап кўп. Яхшиси, қишлоқдаги янгиликлардан сўйланг, онажон.

— Биздаям янгиликлар кўп. Ҳа, дарвоқе, сен эккан буғдойнинг ҳосили зўр бўлди. Отанг ҳазиллашиб «ўғлимиз Самарқанддаги университетнинг ҳуқуқшунослигига эмас, агрономлигига ўқиса бўларкан», дейди. Мана бу олиб келган нонларим ўтган йилги буғдойдан. Жўраларинг билан баҳам кўр. Эсингдами, ўтган йили икки туп бодом кўчати олиб келиб, эккандинг. Бу йил бирам чиройли бўлиб гуллади. Қишлоғимиздаги сумалакчи холани танийсан-а. Наврўзда сумалак тайёрлади. Сенинг оғзинг тегмади-да болам.

— Нималар деяпсиз, она. Ҳарбий қисмимизда ҳам Наврўз байрами катта тантаналар билан ўтказилди. Истиқлолимизнинг 10 йиллик тўйини қандай нишонлаганимизни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Турли спорт мусобақалари ўтказдик, ажойиб концерт бўлди. Ҳарбийлар Ватанни қўриқлашни ҳам, байрамларни муносиб кутиб олишни ҳам билишади.

— Тунов куни телевизорда бир аскар йигитни кўрсатишди. Хизматдан бўйин товлабди. Унинг ота-онасига раҳмим келиб кетди. Энди маҳалла-кўй олдида қандай бош кўтариб юришади? Ишқилиб болам командирларингнинг сўзидан чиқма. Койиса ҳам «яхши бўл», деб койишади.

—Хўп бўлади, ойижон!

Она мийиғида кулиб қўйди: «Отасига ўхшаган чўрткесар, гапининг устидан чиқади».

Она ва бола дийдорлашуви узоқ давом этди. Оққол ая қалбида уйғонган фахр ҳис-туйғусидан энтикарди. Лекин буни ўғлига сездирмади.

С.АЛИЖОНОВ.

«Терроризм-тинчликка таҳдид»

Тошкент вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ана шу мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юксак халқаро минбарларда, олий даражадаги мулоқотларда дунёвий муаммога айланган террорчиликка қарши биргаликда курашиш ҳамда унинг илдизлари ва молиявий манбаларини йўқотишда халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш лозимлигига эътибор қаратаётганлиги таъкидланди.

Анжуманда ўқилган маърузаларда келажак эгалари бўлган ёшларимиз бундай таҳдид ва хавфлардан холи ҳаёт кечириши учун муносиб замин ҳозирлаш долзарб вазифа эканлиги қайд этилиб, бу борада маънавий-маърифий тарбия жараёнида эътибор берилиши зарур жиҳатлар атрофлича муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Аскарларимизнинг ҳарбий билим сирларини пухта ўзлаштиришларида дала машқлари катта мактаб вазифасини ўтаяпти. Улар ушбу ўқувларда жанговор қуроллардан бевосита фойдаланиб, ўз кўникмаларини ошираяптилар.

Суратда: алоқачи, оддий аскар К.Исмоилжонов ва ўқчи, оддий аскар А.Раимбоев дала машқлари пайтида.

Оддий аскар Камол Бойматов асли қашқадарёлик. Болаликдан орзуси ҳарбий бўлиш эди. Армия хизматига чақирилдию, бу соҳага янада қизиқиши ортди. — Энди, — дейди у, — хизматни тугатиб шартнома асосида ишлайман.

Н.ЮСУПОВ олган суратлар.

Дийдор

Туҳфа

ЮРТ ИШҚИДА ЁНГАНЛАР

Ватан ҳимоячиси деганда, фақатгина эгнига ҳарбий либос кийиб, юртни қўриқлаётган ўғлонлар тушунилмайди. Қалби Ватан, эл-юрт ишқи билан ёнган инсон борки, у ана шу муқаддас тупроқнинг ҳимоячисидир.

«Ўзбекистон» нашриёти Мустақилликнинг 10 йиллик тўйига ажойиб совға ҳозирлади. Бу — «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч», дея номланган китобдир. Унда Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил топиши, хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг Ватан осойишталигини сақлаш йўлидаги жонбозликлари, юртимиз чегараларининг даҳлсизлигини таъминлаш учун террорчи ғанимларга қарши мардонавор курашиб, шаҳид кетган фидойи ўғлонлар ҳақида сўз юритилган.

Зеро, мазкур китоб нафақат ҳарбийлар учун, балки юртпарвар, элпарварлар учун ҳам ажойиб туҳфадир.

Китоб Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячилари куни олдидан Қуролли Кучлар шахсий таркибига йўллаган байрам табриги билан бошланади. Айниқса, ундаги «юртимиз тинчлиги, бахтли келажагини асраш, уни ёвуз кучлардан ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли вазифа сизларнинг зиммангизга юклатилган», деган сўзлар ҳар бир юрт посбонининг қалбидан чуқур ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Мудофаа вазири Қ.Ғуломовнинг «Давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги посбонлари» дея номланган мақоласида эса мустақиллик ҳимояси йўлида амалга оширилган ва қилиниши лозим бўлган долзарб ишларга эътибор қаратилган.

Генерал-майор Қ.Мамедовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — мустақиллик маҳсули ва унинг ҳимоячиси» мақоласида миллий армиямиз тарихи, бугуни яққол акс этган.

Полковник А.Рашидовнинг «Чегарамиз посбонлари» ҳамда Ж.Фозиловнинг «Ички қўшинлар — Қуролли Кучларимизнинг ажралмас қисми» мақолалари орқали китобхон чегара ва ички қўшинларимиз ҳақида янада кенг тасаввурга эга бўлади.

Муаллиф — полковник А.Абдуқаххоровнинг «Ватанпарвар — армия ҳамроҳи» мақоласи эса мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг истиқлол йилларида эришган ютуқларига бағишланган.

Албатта, китобхон мазкур тўпламдан Ватан ҳимоячиларининг қаҳрамонликлари, мардликлари хусусидаги жонли лавҳалар, таъсирчан мақолаларни излаши табиий. Китобдан «Жоним фидо сенга Ватан!» дея номланган туркум ўрин олган. Унда чегараларимизга суқилиб кирмоқчи бўлган манфур террорчилар билан курашда мардларча ҳалок бўлган ўғлонларимиз ҳақида лавҳалар берилган.

Ш.ТОЛМАСОВ.

БОШИ БЕРК КЎЧАДА

ёхуд бир гуруҳ гиёҳвандлар қисмати

Наманган тумани судида кўриб чиқилган жиноий иш тафсилоти кўпларни ўйга толдирди. Гиёҳвандликка ружу қўйган бу ёшларнинг ҳали ўн гулидан бир гули очилмаганди. Улар бошқа тенгдошлари қатори ҳалол меҳнат қилиб яхши яшашлари, кун кечиришлари мумкин эди. Ҳаммасининг оиласи, бир-биридан ширин фарзандлари ҳам бор. Афсуски, улар ўз ҳаётининг энг ширин дамларини энди қамоқхоналарда ўтказишади. Эсиз ёшлик...

Зуҳриддин Бойхоновнинг гиёҳвандлик билан мунтазам шуғулланиб келаётганлиги хусусида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар тушди. Дастлаб бунга ишонишмади. Сабаби, у яхшигина ҳунар эгаси, ёпган обинонлари одамларнинг ҳавасини келтирарди. Боз устига истараси иссиқ ва ширин сўз бўлиб, ундан бирон ёмонлик чиқишини ҳеч ким ўйламаганди-да.

Лекин инсон оласи ичида бўлади, деганлари бежиз эмас экан. Зуҳриддин фақат наша чекиш билан шуғулланибгина қолмасдан, уни олиб сотишни, бошқаларга ҳам заҳриқотилдан истеъмол қилишни тарғиб қилаётганлардан бўлиб чиқди.

Тезкор гуруҳнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. 2 та гугурт қутисидаги марихуанани 5 минг сўмга сотаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Зуҳриддин заҳриқотилни қаердан топиб истеъмол қилди ва унинг гиёҳвандга айланишида кимлар ҳомийлик қилди?

...Кунларнинг бирида З.Бойхонов Муҳаммаджон Убайдуллаевни ўз «қабулига» чорлайди ва қаердан бўлмасин, «дори» топиб келишни буюради.

— Қўрқма, пули нақд! — деди у шеригига. — Мен доимо ҳисоб-китобда насия қилмайман.

М.Убайдуллаев ҳам анойилардан эмас. Бу масалада қаерга боришни, кимга учрашиш кераклигини билади. Қирғиз қўрғон қишлоғида яшовчи Усмонжон Қўчқоров хонадонига бориб, ҳамтовоғининг талабини етказди:

— Текинга эмас, пули нақд. Мен унақа алдаб кетадиганлардан эмасман, — дея қўшимча қилди у.

М.Убайдуллаев шу тариқа 9 та гугурт қутисидаги марихуана наркотик моддасини 16 минг сўм нақд пул ва тилла билакузукка сотиб олди. Кейинчалик маълум бўлишича У.Қўчқоров ҳам ажал уруғини А.Жўраевдан оларкан.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Гиёҳфурушлар ўзларини ҳар қанча устамон ҳисоблашмасин, жиноят устида қўлга олиндилар ва қилмишлари учун тегишли жазо олдилар. Аммо бошқа бир муаммо бизни ўйлантиради. Ана шу ажал уруғини сочувчиларнинг ҳар бири ҳам сиз-у бизнинг орамизда, маҳалла-кўйда яшашади. Шундай экан,уларнинг бу ярамас ишлари нақотки ҳеч кимни қизиқтирмаган бўлса. Ҳудуддаги милиция участка нозирлари, қўни-қўшни, маҳалла сардорлари-ю фаоллари қаерга қарашди экан?

И.ЭРГАШЕВ, Наманган тумани судининг раиси.

Бошланғич ташкилот иш тажрибасидан

ШАРОИТ ВА ИШЧИ КАЙФИЯТИ

Бирлашмамиз бир қанча ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўз маҳсулотлари билан таниш бўлиб қолган корхоналардан бири. Бугунги кунда бирлашма цехларида 2648 нафар турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек фаолият кўрсатмоқдалар.

Цехларда ишлаётган 1155 нафар аёлдан 412 нафари зарарли иш ўринларида меҳнат қилишади. Ускуналарни янгилаб бориш, замонавий технологияни жорий этиш, иш ўринларида ҳаво алмаштириш ва ёритиш тармоқларининг доимий ишлаб туришини таъминлаш масаласи маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат марказида.

Шартномадаги аёллар ва вояга етмаганлар меҳнатига оид бандлар Меҳнат Кодексининг 228-моддаси асосида тузилган бўлиб, унинг бажарилиши махсус комиссия томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.

Хавфсиз иш ўринларини яратиш билан бир қаторда ишчиларнинг, айниқса, зарарли иш ўринларида меҳнат қилаётган аёлларнинг ёруғ жойларда ишлашларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда махсус гуруҳ томонидан ҳар бир иш ўрни аттестациядан ўтказилди. Санитария-техник ҳолатлар ўрганилди ва ишчи ўринлари паспортлаштирилди. Бунда бирлашма қошидаги санитария лабораториясининг хулосаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лаборатория томонидан текширувлар бевосита иш ўринларида ўтказилди. Таҳлилларда аёллар банд бўлган ўринларга алоҳида аҳамият берилди ва аттестация хулосасида йўл қўйилган камчилик-нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Шуниси диққатга сазоворки, уларни бартараф этиш натижаси ўлароқ йилнинг ўтган ойларида ишлаб чиқаришда биронта бахтсиз ҳодиса қайд этилмади.

Бирлашмада аёллар меҳнати асосан кундузги сменага, яъни оғир юк кўтаришдан ҳоли, зарарли моддалар рухсат этилганидан ортиқ бўлмаган иш ўринларига кўчирилган бўлиб, улар махсус кийимбош билан таъминланган. Ҳимоя воситаларидан бири сифатида тайёрланадиган бундай кийим-бошлар учун ўтган йили 3 миллион 486 минг сўм сарфланган бўлса, шу йилнинг ўтган ойларида 3 миллион 215 минг сўм ажратилди.

Ишчи аёлларга яратиб берилаётган санитария-маиший шароитлар ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда сезиларли бўлмоқда. Дам олиш, гигиена хоналари, душхона, тиббиёт шохобчалари, ошхона ва қаҳвахоналар улар хизматида.

Оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида улар саломатлигини муҳофаза қилиш учун ҳар ойда 100 минг сўмдан маблағ сарфланмоқда. Шунингдек, йил мобайнида бирлашма санаторий-профилакторийсида ҳамда «Чимён» соғломлаштириш масканида оналар ва болаларнинг биргаликда даволанишлари ташкил этилди. Бирлашма даволаш қисмида ўтказиладиган тиббиёт кўригида касаллиги аниқланган, айниқса камқон аёллар алоҳида ҳисобга олиниб, йил мобайнида бепул даволанишларига имкон яратилмоқда.

Оилада биринчи фарзанд туғилиши муносабати билан ёш оилага мукофот тариқасида бирлашмадаги ўртача иш ҳақи — 35 минг сўм миқдорида пул берилади. Кам таъминланган оилалар ва ёлғиз оналарнинг фарзандлари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишлари учун фақат шу йилнинг ўзида 3 миллион сўм сарфланди.

Кимёвий ўғитлар ишлаб чиқараётган цехларда иш жараёни янги технология, механизмлар ёрдамида бажарилади. Бирлашма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг асосий эътибори ҳам эскирган техникани янгилаш, автоматик жараёнларни кўпайтириш, шу асосда одамлар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган.

Николай АВДЕЕНКО, Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Касаба уюшмалари маъмурият билан, мулкдор ёки у вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа музокараларини олиб боришда ва жамоа шартномаларини, битимларини тузишда устунлик ҳуқуқига эга бўлади, уларнинг бажарилишини назорат қилади. Агар касаба уюшмалари жамоа шартномаларини, битимни тузишни таклиф қилса, маъмурият, мулкдор ёки у вакил қилган бошқарув идораси шу ҳақда музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

(Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунидан).

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

Унга қаерда қандай амал қилиняпти?

Бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқи ҳамда манфаатини ваколатли муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда жамоа шартномалари ва битимлар дастурилamал бўлиб хизмат қилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва миқдори, ишчи-хизматчиларга берилган кафолат ҳамда имтиёзлар айнан мана шу ҳужжатда ўз аксини топган. Шунингдек, уларда ижтимоий инфраструктура тизимининг фаолият кўрсатиши, шартлари, меҳнат муҳофазасига маблағ ажратиш, ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш тадбирлари атрофлича қамраб олинган. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари томонидан кўриб чиқилган жамоа келишувлари ҳамда шартномалари бажарилишининг биринчи ярим йиллик якунлари шуни кўрсатдики, республика миқёсида қабул қилинган 77 та ишловчи тармоқ келишувларининг 18 таси, вилоят миқёсидаги 464 та ҳудудий тармоқ келишувларининг 267 таси ва 26193 та жамоа шартномаларининг 20698 таси бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, жамоа шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятлар ҳамда меҳнаткашлар учун яратилиши лозим бўлган имтиёзлар корхона ва ташкилотларнинг маъмуриятлари ҳамда касаба уюшма қўмиталари томонидан асосан бажарилмоқда. Жамоа шартномаларининг амалга оширилишида, айниқса, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг тўлақонли ҳаётга татбиқ этилишига алоҳида аҳамият бериляпти. Ишчи-хизматчиларга ўз вақтида ҳақ тўлаш, меҳнат шароитлари ва уни муҳофаза этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан тармоқ ҳамда ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномаларида оналарга бир қатор имтиёзлар берилди. 20 мингга яқин корхонадаги 465 минг нафардан зиёд аёл қўшимча таътилга чиқарилди. 14 минг нафарга яқин ишловчиларга муддатидан илгари пенсияга чиқиш имконияти яратилди. 5877 корхона, ташкилот ва муассасада ишловчи 88 минг нафардан зиёд онага туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар муддати узайтирилди. Мактаб ёшигача фарзандлари бўлган 177810 нафар кўп болали аёл учун меҳнат ҳақи сақланган ҳолда иш вақти қисқартирилди. Мана шу имтиёзларнинг барчаси жамоа шартномаларида кўзда тутилган эди.

Меҳнаткашларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам касаба уюшма ташкилотларининг доимий диққат марказида. Шу жумладан, кўп болали, боқувчисини йўқотган ёлғиз оналар фарзандларини мактаб ошхоналарида бепул овқатлантириш учун корхоналар ҳисобидан 83 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Мулкчиликнинг турли шаклидаги 10546 та корхонада фарзандлари уч ёшгача бўлган 163 минг нафардан зиёд аёлга қисқартирилган иш вақти жорий этилди.

Ишловчи ногирон ва кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларга эса 330 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, амалга оширилаётган ибратли ишлар касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг ташкилотчилиги, изчил фаолиятининг самарасидир. Чунки улар муаммоларни тезда илғаб олиб, уларни жамоа шартномаларида акс эттиришга эришмоқдалар.

Лекин айрим тармоқ касаба уюшма Марказий қўмиталари томонидан бу ўта муҳим масалага етарли даражада аҳамият берилмаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Жумладан, республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан қабул қилинган тармоқ келишувларида, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларида «Оналар ва болалар йили»га бағишланган бир қатор тадбирлар белгиланган бўлса-да, лекин жорий йилнинг биринчи ярмида улар атиги икки йўналиш бўйича бажарилган, холос! Машинасозлар тармоғига қарашли бор-йўғи 3 та корхонада мактаб ёшигача фарзандлари бўлган кўп болали аёлларга меҳнат ҳақи сақланган ҳолда иш вақти қисқартирилган. Шу билан бирга иш топишда қийналаётган, рақобатга қодир бўлмаган аёлларни квота бўйича ишга жойлаш бор-йўғи 4 та корхонада амалга оширилган. Мана шундай камчиликлар республика Темир йўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий қўмитасида ҳам мавжуд.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III қурултойида замон жамоа шартномалари мазмун-моҳиятига янгича ёндошишни талаб қилаётганлигини ва уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, олинган даромадларни тақсимлаш, хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиш масалаларига эътиборни қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидланганди. Жамоа келишувлари ҳамда шартномалари касаба уюшмалари фаолиятини намунали ташкил этишнинг омили экан, бу ишга янада жиддийроқ ёндошиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Амина Алиева касаба уюшмалари соҳасида кўп йиллар самарали фаолият кўрсатди. У қаерда ишламасин меҳнаткашлар манфаатини таъминлаш йўлида билим, тажриба ва куч-ғайратини сарфлади. Сидқидил меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонди, ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Яқинда ажойиб инсон 70 ёшга тўлиши муносабати билан республика мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасига таклиф этилди. Касаба уюшмалари фахрийсига тармоқ Марказий қўмитаси ва шаҳар ташкилотининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Суратда: Амина Алиевани шогирдлари табаррук ёши билан қутлашмоқда.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган сурат.

Ўзбекистон маҳсулотлари - Японияда

Япониянинг Фукуока шаҳрида «Фукуока-2001» халқаро савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 43 мамлакатнинг 342 компания ва ташкилоти озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор, заргарлик ва ёдгорлик буюмларини намойиш этди.

Ярмаркада «Фотон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмалари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Оникс» ҳиссадорлик жамияти, «Совпластитал» қўшма корхонаси ва бошқа ташкилотларнинг намойиш этилган маҳсулотлари японияликлар эътиборини ўзига жалб этди. Шунингдек, «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази, «Усто» бирлашмасининг қўли гул уста ва ҳунармандлари яратган халқ амалий санъатининг ўттиз турдан ортиқ бетакрор намуналари ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

(ЎзА).

ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ХОДИМ ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИЛИШИ МУМКИН?

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: ***Қайси ҳолларда ходимни ишдан четлаштириш мумкинлиги тўғрисида тушунча беришингизни сўрайман.***

Х.КАРИМОВ,
Тўрткўл тумани.

ЖАВОБ: Иш берувчи қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, ўз ташаббуси билан ходимни ишдан четлаштиришга ҳақли эмас. Ходимларни ишдан четлаштиришга қайси ҳолларда йўл қўйилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Бу моддага мувофиқ ходим қуйидаги ҳолларда ишдан четлаштирилиши мумкин:

— алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим дарҳол иш берувчи томонидан ишдан четлаштирилади ва шу куни ходим ишда бўлмаган кун деб ҳисобланади. Ходимнинг маст ҳолатда бўлганлиги тиббиёт хулосаси ёки уч киши иштирокида тузилган далолатнома билан тасдиқланади. Маст ҳолатда ишга келган ва натижада ишдан четлаштирилган ходимдан Меҳнат кодексининг 182-моддасига асосан бир ой муддат ичида тушунтириш хати олиниши ва шу кодекснинг 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чораларидан бири иш берувчи томонидан қўлланилиши мумкин;

— жиноят иши бўйича айбланувчини вазифасидан четлаштириш зарур бўлиб қолган ҳолларда терговчи ёки суриштирув идораси томонидан асослантирилган қарор чиқарилади ва ушбу қарор прокурор томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Бу идораларнинг ходимни ишдан четлаштириш ҳақидаги қарорини бажариш иш берувчи учун мажбурий ҳисобланади. Лекин, ходимни вазифасидан четлаштириш қанча муддат давом этганлигидан қатъи назар, бу — ходимни ишдан бўшатиш учун мустақил асос бўла олмайди;

— ходим қонунда белгиланган мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни хоҳламаса ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш Меҳнат кодексининг 214-моддасида кўрсатиб ўтилган. Бу моддага асосан иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш вақтида дастлабки тарзда ва кейинчалик, яъни иш давомида вақти-вақти билан қуйидаги ходимлар тиббий кўрикдан ўтишлари шарт:

— ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

— олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;

— ногиронлар;

-меҳнат шароити ноқулай бўлган ва тунги, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

-умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ва тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Тиббий кўрикдан ўтишда ходимдан ҳеч қандай ҳақ ундирилмайди, у билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ходим ишлаётган муассаса томонидан қопланади.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ - ДАВР ТАЛАБИ

Навоийдаги вилоят кутубхонасида «Ҳуқуқий ахборот марказлари ишини режалаштириш» мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Унда А.Қодирий номидаги вилоят илмий универсал кутубхонаси ҳузурида ташкил этилган «Ҳуқуқий ахборот маркази»нинг фаолияти ўрганилди.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кутубхоналарни юридик ахборотлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур марказда ҳуқуққа оид қарийб 300 минг нусхада китоб ва 98 номда даврий нашрлар тахлами мавжуд.

Бу ерга келувчилар тажрибали кутубхоначиларнинг маслаҳатларидан, хусусий тадбиркорлик масалалари бўйича «Ҳуқуқ» компьютер дастури, электрон каталог, юрист маслаҳати, электрон почта, керакли ҳужжатларни кўпайтириш, интернетдаги ҳуқуқий ахборот базасидан фойдаланадилар. Уларга қўлайлик яратиш мақсадида «Ҳуқуқий билимдонлик - давр талаби», «Компьютерлар оламида», «Иқтисодий адабиётлар», «Ҳуқуқий адабиётлар», «Инсон ҳуқуқлари», «Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» каби мавзуларда зарурий адабиётлар кўргазмалари ташкил этилган.

(ЎзА).

Балиқчи туманидаги «Чинобод» ширкат хўжалиги тумандаги пешқадам хўжаликлардан ҳисобланади. Бу йил ширкат пахтакорлари ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режани бажардилар. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Шу боис «Чинобод»ликлар бу кўрсаткични 45 центнерга етказиш ниятида туришибди.

Суратда: илғор теримчилардан бири Мукаррам Ўроқова.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

OLAMDA

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАХСУС МАЪРУЗАСИ



АҚШ Президенти Жорж Буш Конгресс йиғилишида терроризмга қарши кураш юзасидан махсус маъруза қилди. Президент ўз нутқида Американинг кейинги ҳаракатларига ойдинлик киритди. Унинг таъкидлашича, бундан кейин душманлар билан ҳеч қандай муросага йўл қўйилмайди. Буш ўзга давлатлардан ҳам аниқ нуқтаи назарга эга бўлишларини сўради. АҚШ Президентининг толиблар олдига қўйган талаби жуда қатъий: «Толиблар Бин Лодинни топширишади ёки унинг касофатига қолишади». У ҳарбий ҳаракатлар узоқ давом этишини айтди. «Лекин, — деди президент, — бу Американинг мусулмонлар ва арабларга эмас, балки террорчиларга қарши курашидир».

ОПЕРАЦИЯ НОМИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфилд 100 дан ортиқ самолётнинг Америкадан Форс кўрфази томон йўналиши тўғрисида буйруқ берди. Улар орасида F-15 ва F-16 қирувчи самолётлари, B-1 русумли бомбардимончилар, разведка ҳамда мувофиқлаштириш учун мўлжалланган AWACS самолётлари бор. Бундан ташқари АҚШ 5-флотининг 150 та самолётдан иборат 2 та кемаси, шунингдек ўз бортига 75 та самолёт ортган «Теодор Рузвельт» кемаси ҳам худди ўша ҳудудга йўл олган. Агар буларга АҚШнинг Форс кўрфази, Ҳинд океани ва Туркияда жойлашган ҳарбий базалардаги самолётлар сони қўшилса, уларнинг миқдори 700 дан ошиб кетади. Бу АҚШ Ҳарбий-Ҳаво Кучларида мавжуд самолётларнинг 15 фоизини ташкил этади. Ҳарбий ҳаракатлар нечоғлик кенг кўламда амалга оширилишини операция номининг ўзгартирилгани ҳам кўрсатиб турибди. CNN телекомпаниясининг хабарига қараганда, олдин «Қасос» деб ном олган операция энди «Чегарасиз одил судлов» деб ўзгартирилди.

БИН ЛОДИН ҚАЕРДА?

Маълумингизким, Афғонистон шўроси (уламолар кенгаши) Усама бин Лодиннинг мамлакат ҳудудидан ихтиёрий равишда чиқиб кетишига қарор қилган эди. АҚШ маъмурияти бу қарорни ёқламади. «Агар бин Лодинга ихтиёр берилса, у ҳозирги қароргоҳидан чиқиб, бемалол бошқа жойда паноҳ топиши мумкин», деди Жорж Буш Конгресс йиғилишида қилган маърузасида. Американинг бундай хавфсираши бежиз эмас. Кейинги тарқатилган хабарларга қараганда биринчи рақамли террорчи Афғонистонни тарк этиб, Жанубий-Шарқий Осиёга йўл олган.

ИРОҚ БОМБАРДИМОН ҚИЛИНДИ

АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий авиацияси Ироқ жанубидаги ҳаво ҳужумига қарши мудофаа нуқталарини бомбардимон қилган. Операциядан сўнг, барча самолётлар ўз базаларига эсон-омон қайтишган. Пентагон вакилларининг таъкидлашича, бу ҳаракат АҚШдаги террактларга жавоб тариқасида амалга оширилган эмас.

ЖАНГАРИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Чеченистоннинг Гехи қишлоғи яқинида милицияга қаршилик кўрсатиш жараёнида икки нафар жангари ўлдирилди. Уларнинг ёнидан пистолет ҳамда жанговар граналар топилди. Худди шу куни Грозний-да Старопромисловский тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан жангарилар билан алоқадорликда гумон қилинаётган тўққиз нафар киши қўлга олинди. Уларнинг баъзилари ўз айбларига иқрор бўлиб кўрсатма беришди.

ҒАВВОСЛАР МУАММОГА ДУЧ КЕЛИШДИ

«Курск» атом сувости кемасининг учинчи бўлмасини тозалаш жараёнида ғаввослар муаммога дуч келишди. Кема корпуслари орасидаги бўшлиқда мураккаб тузилишга эга металл қурилмалар бор экан. Уни демонтаж қилиш анча вақтни олади, дейишмоқда ғаввослар. Шунга қарамай улар учинчи бўлмадаги ишларни эртагача тугаллаш ниятида.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Асқар ШОКИРОВ тайёрлади.

NIMA GAP

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан

АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

Термиз шаҳри милоддан аввалги 1 минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ дунёсида ҳунармандчилик, савдо-иқтисодий, стратегик шаҳар сифатида эътибор қозона бошлаган. Бу хусусда ёзма, ашёвий, археологик асослар мавжуд. Унинг халқаро миқёсда шуҳрат қозонишига сабаб, биринчидан, дарё кечуви ёнида эканлиги, иккинчидан, Осиё ва Европа халқларини ўзаро боғлаган Буюк ипак йўли устида жойлашганлиги ва йирик тижорат маркази бўлганлигидир.

Археологик топилмалар, араб ва юнон манбаларида қайд этилган маълумотлар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Муаррих Ҳофизи Абрунинг ёзишича, шаҳар номи «Тарамстха» (бақтрча «нариги соҳилдаги манзил») сўзидан олинган бўлиб, асрлар давомида турлича аталиб келинган. (Масалан, Антиохия, Дематриас, Тармита, Тармид, Термиз, Та-ми, Та-мо). X асрдан бошлаб Термиз номида муқимлашди. X асрнинг 80-йилларида номаълум муаллиф томонидан ёзиб қолдирилган «Ҳудуд ул-олам» («Жаҳон мамлакатларининг чегаралари») асарида «Термиз Жайхун бўйидаги кўркам ва обод шаҳар. Қалъаси дарё қирғоғида, улкан бозори машҳур, Хуттолон ва Чағониён аҳли шу ерда савдо қилади» деб таърифланади.

Савдогарлар Термизда тайёрланган қайиқлардан Амударёнинг қуйи оқимига, Орол денгизигача сузиб боришган. Термизда тайёрланган қайиқлар ўзининг мустаҳкамлиги билан ажралиб турган. Шимолдан келган савдо карвонлари Амударё, Паттакесар, Чўчқа-Гўзар, Шуроб ва Қорақамар кечувлари орқали Шарқ мамлакатлари билан алоқа қилганлар. Бунинг натижасида Тохаристондаги йирик шаҳарлардан бири бўлган Термизнинг IX-XII асрлардаги нуфузи унинг янада кўркамлашишига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута шаҳарнинг жуда гўзал бозори, обод кўчалари борлигини мароқ билан ҳикоя қилади. Испан элчиси де Клавихонинг Термиз ҳақидаги қимматли маълумотлари ҳатто Европада ҳам катта қизиқиш уйғотган эди.

Маҳмуд ибн Валийнинг 1634-1641 йилларда ёзилган «Баҳр-ал-асрор» асарида Термиз шаҳри ҳақида қуйидагича маълумот берилади:

«У Жайхун дарёси соҳилида жойлашган ва мустаҳкам девор билан ўралган: унинг жанубий томони Жайхун ўртасида қад кўтарган. Шунингдек, унинг дарвозаси ҳам шу томонда жойлашган. Шаҳар атрофида қишлоқлар ҳам мавжуд бўлган».

Табиийки, шаҳар гоҳ энига, гоҳ бўйига ўсиб, доимий ўзгаришда бўлган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Халил Султон 1407 йилда дарё ёқасида қалъа қурдирган. XVIII аср бошида Шер Алихон ҳам Термизда катта қалъа бунёд эттирди. Муҳаммад Вафонинг гувоҳлик беришича, манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон эса 1758 йилда Термизни қайта тиклаш ҳақида буйруқ беради.

Шимолий Тохаристон халқлари савдо йўлларининг ривожланиши туфайли шимол ва жанубдаги, Амударё орқали эса дарёнинг қуйи оқимида жойлашган давлатлар билан доимий алоқада бўлиб турганлар. Бунинг натижасида йирик шаҳар-қалъалар ва кўплаб карвонсаройлар пайдо бўлган. Айтишларича, бу ерда кеча-ю кундуз савдо карвонлари ўтиб турган. Шунинг учун ҳам шаҳарда ҳунармандчилик жуда яхши ривожланган.

Жўғрофий қулай жойда жойлашганлиги билан Ўрта Осиёнинг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган Термиз, айниқса, мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Шамсиддин ХУДОЙБЕРДИЕВ, Термиз Давлат университети катта ўқитувчиси.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Қорақалпоқ сулувлари.

МОНБЛАН ЗАБТ ЭТИЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги шарафига узоқ Франциядаги Монблан чўққисини забт этишга аҳд қилган ўзбекистонлик альпинистларнинг орзуси ушалди. Рустам Ражапов, Андрей Федоров, Ильяс Тухватулин, Рафаэль Мусин ва Анатолий Шабанов сентябр кунларида Ўзбекистон Давлат байроғини денгиз сатҳидан 4870 метр баландликка ўрнатди.

- Мамлакатимиз альпинистлари давлатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига атаб бу чўққига кўтарилишни режалаштирган эди ва август ойининг охирида биз Францияга келдик,- деди альпинистларнинг бундай масъулиятли сафарида биринчи бор қатнашган тренер Анатолий Шабанов. - 1 сентябрда Монбланга Игл Думеди томондан кўтарила бошладик, лекин қуюқ туман, қор кўчкиси хавфи Франция ва Англия альпинистлари қатори бизни ҳам қайтишга мажбур қилди.

Табиийки, биз бошқа альпинистлар қатори уйга хотиржам қайтиб кета олмасдик ва қулай об-ҳавони кута бошладик. 6 сентябр куни яна йўлга чиқдик, бироқ бу гал чўққининг бошқа томонидан -Дугатер орқали кўтарилдик. 8 сентябр куни Давлатимиз байроғи Монблан чўққисининг энг юқори нуқтасига ўрнатилди. Қийин об-ҳаво шароитига қарамасдан, ўз сўзимизнинг устидан чиққанимиздан жуда бахтиёрмиз.

Ўзбекистон альпинистларини янги чўққилар кутмоқда.

(ЎзА).

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

КРОССВОРД

Диагонал бўйича: 1.Кумуш ранг оқ металл, кимёвий элемент. 2.Шаҳар, заминнинг сайқали. 3.Механик энергияни электр энергияга айлантирувчи машина. 4.Днепр дарёси ирмоғи. 5.Коинотга учувчи қурилма. 6.Ўлчов асбобининг кўрсаткичлар ёзилган қисми. 7.Физик миқдор ўлчовини аниқлашда ишлатиладиган асбоб. 8.Каучукдан олинадиган саноат ашёси. 9.«Офарин» мукофоти номзоди, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 10.Танаси қаттиқ дарахт. 11.«Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 12.Уруғидан ичимлик тайёрланадиган жануб ўсимлиги. 13.Хоразмча рақс. 14.Хуршид Дўстмуҳаммад асари. 15.Тирик организмнинг майда қисми. 16.Уруғи таомга лаззат берувчи ўсимлик. 17.Абу Али ибн Синонинг фалсафий асари. 18.Мусиқа асбоби. 19.Моданинг майда қисми. 20.Шариат қонунлари билимдони. 21.Сув жонивори. 22.Киракаш автомобилнинг босиб ўтилган йўл ва хизмат ҳақини кўрсатувчи асбоби. 23.Сув билан таъминлаш ишлари мажмуи. 24.Ҳисоб илми амалларидан бири. 25.Шохмот бўйича жаҳон чемпиони. 26.Табиий кимёвий бирикмаларни ўрганувчи мутахассис. 27.Таниқли француз график рассоми ва ҳайкалтароши. 28.Эсдаликлар мазмунидаги адабий асар. 29.Ёғингарчилик. 30.Ёзувчи Миркарим Осим меросига мансуб тарихий қисса.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Бахту фаровонлик омили — 6,14,13,12,3,7.

2. Дунё томони — 16,3,20,4.

3. Хайриддин Султоновнинг экранлаштирилган асари — 15,3,12,17,3,8.

4. Сўз туркуми — 21,2,11,3,7.

5. Жуда катта, улкан — 5,1,5,9.

6. Тиғли қурол — 10,2,12,18,2,20.

7. Оби ҳаёт — 21,5,19.

Энди икки атрофидаги рақамларни очқич жавоблари асосида мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Улардан ўзбек мумтоз шоири ва адиби Пошшохўжа меросига мансуб икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



Саломатлигингиз ўз қўлингизда

«Бош оғриғи (судо) бош аъзоларида бўладиган оғриқдир. Ҳар бир оғриқнинг сабаби мижознинг тўсатдан ўзгариши ва унинг зиддига айланиши ёки узлуксизликнинг бузилиши ёки шу ҳар иккаласининг бирлашиб келишидир».

Абу Али ибн Сино.

БОШИМ ОҒРИМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Бош оғриғи инсониятни барча даврларда қийнаб келган. Юлий Цезарь, Фридрих Шопен, Чарльз Дарвин, Зигмунд Фрейд, Бальзак, Томас Жефферсон сингари буюк инсонлар ҳам бош оғриғидан шикоят қилганлар. Олимларнинг аниқлашича, турли мамлакатлардаги аҳолининг 50 дан 90 фоизгача қисми бош оғриғидан азият чекар экан. Умуман, бош оғриғи масаласи кўп асрлар аввал яшаб ижод қилган олимлар Гиппократ, Гален, Суқрот, Луқмони Ҳаким, Розий, Абу Али ибн Сино каби алломаларнинг илмий ва амалий ишларида ўз талқинини топган бўлиб, бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотганича йўқ.

Бош мия ва унинг пардалари турли сабаблар билан зарарланишининг аломатларидан бири бош оғриғи бўлиб, унинг бир неча тури бор. Уларни тўғри аниқлаш мураккаб иш ҳисобланади. Бундай сабаблар ичида бош мия асаб томирчаларининг шамоллаши, бош мия жароҳатлари, юқумли касалликлар, ички секреция безларининг хасталиклари, заҳарланишлар, қон-томир патологияси, кўз касалликлари ва ҳоказолар. Олимларнинг таъкидлашича, бош оғриғини келтириб чиқарувчи омиллар бир неча гуруҳга бўлинади. Масалан, механик омиллар (бош мия ўсмалари, чандиқли жараёнлар, яллиғланиш белгилар), кимёвий омиллар (организмга турли заҳарли моддалар ва токсинларнинг таъсири натижасида), невроген ва психоген омиллар (асаб ва руҳий тизимнинг ташқи нохуш таъсиротларга жавоби натижаси) киради. Бундай зарарли омиллар натижасида қон-томир ва мия тузилмасида жойлашган оғриқ рецепторларининг таъсирланиши, қон-томирлар деворларининг кенгайиб, торайиши, қонда оғриқни келтириб чиқарувчи экологик актив моддаларнинг ажралиши рўй беради, бу эса ўз навбатида — бош оғриғини юзага келтиради.

Маълумки, кексаларнинг боши оғришига кўпинча атеросклероз сабаб бўлади. Атеросклерозда бош миянинг қон билан таъминланиши бузилади, мия тўқималарида кислород етишмаслиги натижасида бош оғрибгина қолмай, баъзан увишади, хотира пасаяди ва уйқу бузилади. Бундай ҳолатлар қон босими кўтарилганда ҳам юз бериши мумкин. Булардан ташқари, бош оғриғи доимо кўз тинишми, дармонсизлик, чарчаш каби аломатлар билан кечса, бу қон босими пастлигидан ёки камқонликдан дарак беради. Бунда ҳам мия қон ва кислород билан тўла таъминлаштиради.

Мия қон томирлари ишининг бузилишига эса кишиларнинг тез-тез шамоллаб туриши (куз, қиш, баҳор), тумов, грипп, ангина ва бошқа шунга ўхшаш дардлар сабаб бўлиши аниқланган. Шифокорларнинг маълумотларига кўра, шамоллашнинг асоратларидан бири бош мия ва унинг пардалари зарарланишидир. Бундай беморлар доимий бош оғришидан шикоят қиладилар, кўп вақт бош айланиши, қулоқнинг шанғиллаши, мувозанатнинг йўқолиши каби ҳолатлар ҳам кузатилади. Тумов ва гриппнинг асоратидан ҳосил бўлувчи диэнцефал синдроми (бош мия оралиқ қисмининг шамоллаши), бурун бўшлиқларининг яллиғланиши (гайморит, фронтит) ҳам бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ортиқча зўриқиш оқибатида бош оғриғига учраш келиб чиқмоқда. Қадимги инглиз мақолида узоқ умр кўриш сири уч нарсага боғлиқ дейилади. Булар, ҳаяжонланмаслик, шошмаслик ва зўриқмаслик. Бошим оғримасин десангиз, ҳар бир ишда меъёрни билинг. Ўзингизни ортиқча уринтирманг. Чунки, кўзга оддий кўринган нарсалар ҳам бош оғришига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, узоқ вақт телевизор ёки компьютер олдида ўтириш, гўшакни қулоққа маҳкам тутиб, телефонда кўп гаплашиш, нотўғри танланган кўзойнак ҳам бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

НИМ ТАБАССУМ

Судья судланувчига:

— Нега ўзингизга адвокат ёлламадингиз?

— Бунда менинг иштироким йўқ. Улар менга айб қилиб қўйилаётган ўша 5 миллионни чиндан ҳам олмаганимни эшитишгач, ўзлари адвокатлик қилишни хоҳлашмаяпти.

***

Қамоқхона ёнидан келишган қиз ўтиб бораётир. Деразадан эркак кишининг овози эшитилади:

— Кечирасиз, яхши қиз, 2003 йил 20 майда банд эмасмисиз?

***

Судья:

— Шундай қилиб, сиз товламачиликда, яъни одамларга боқий ёшлик малҳамини сотишда айбланасиз. Илгари ҳам шундай айб билан судланган эдингизми?

Айбланувчи:

— Бир неча марта: 1605, 1748 ва 1894 йилларда.

***

Судья:

— Сизнинг барча бахтсизлигингиз сабабчиси ичкиликдир.

— Раҳмат, жаноб судья, бунга фақат мен айбдор эмаслигимни ниҳоят тушуниб етибсиз.

Газетамизнинг 147-сонидаги **Чайнкроссворднинг жавоблари**

1.Куз.	2.Зеби.
3.Ижод.	4.Дина. 5.Атир.
6.Раис.	7.Соат.
8.«Тико».	9.Осиё.
10.Ёқут.	11.Тола.
12.Ария.	13.Яшин.
14.Нақд.	15.Дойл.
16.Лорд.	17.Дала.
18.Айиқ.	19.Қайс.
20.Сода.	21.Ариқ.
22.Қиёқ.	23.Крим.
24.Машқ.	25.Қува.
26.Айил.	27.«Лада».
28.Абай.	29.Йорк.
30.Киев.	31.Вена.
32.Аниқ.	33.Қомус.
34.Сулҳ.	35.Ҳинд.
36.Дунё.	37.Ёғоч.
38.Чарм.	39.Мурч.
40.Чуст.	41.Трек.
42.Кўза.	43.Анор.
44.Рейд.	45.Депо.
46.Оила.	47.Абак.
48.Кўшк.	49.Клуб.
50.Базм.	51.Марш.
52.Шпал.	53.Лак.



МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Оқлар бошлайди ва ғалаба қозонади.

Биласизми?

БИРИНЧИ ГЛОБУС

Абу Райҳон Беруний Ернинг шарсимонлигига қаттиқ ишонган эди. «Қонуни масъудий» китобида Ернинг шарсимонлиги тўғрисидаги фикрни яна аниқлаб, Беруний шундай деб ёзган эди: ер шарининг юзаси теп-текис эмас, чўтир-чўтирдир — тоғлари ва ботиқлари бор. Беруний сайёрамизни ана шундай аниқ тасаввур этиш билан бирга унинг тасвирини ҳам яратмоқчи бўлди. «Мен Птолемейнинг География» китобида, Жаҳоний ва бошқа (муаллиф)ларнинг китобларида саёҳатларга тегишли маълумотларни тўплаб, бу фанни аниқроқ баён этмоқчи бўлдим, дейди улуғ олим. — Шу мақсадда, айланаси 10 чўзим бўлган ер куррасининг ярмини ишладим. Унинг сиртига кенглик ва узунликларни чизиб қўйдим. Аммо (глобусдаги) чизиқлар шу қадар катта эдики, уларнинг математик ўлчовларини ҳисоблаб чиқишга вақтим етмади.

Шу тарзда глобус ясалди. Унинг айланаси ниҳоятда катта бўлган — 10 чўзим, арабча «Зиро», тахминан 5-6 метр келади.

Кўриниб турибдики, бу глобус Шарқ оламида биринчи бўлибгина қолмай унинг «Ер ғадир-будурдир» деган изоҳига суяниб айтиш мумкинки, бўртма (рельефли) глобус бўлган. Эҳтимол, умуман картография тарихида математик география талабларига асосан ясалган биринчи глобус бўлгандир.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. 8849 нусхада босилди. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2824. 1 2 3 4 5 6